

**Хизматлар кўрсатишга (ишларни бажаришга)
Сўх-Оқтепа ИТБ**

Кўкон ш. И.Бухорий кўча 5-уй
(шартнома тузилган жой)
2022й. "20" Июль

№ 02/22

Ўз низоми асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи
Кўкон шахри "Сўх-Оқтепа Ирригация Тизими Бошқармаси"
(фермер хўжалиги номи)

номидан ташкилот бошлиғи И.Хошимов

(Ф.И.О.)

бир томондан, ва Ўз низоми асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Бажарувчи" деб
юритилувчи Наманган шахри **"Vodiy Loyiha Invest"** масулияти чекланган жамияти
(корхона, ташкилот номи)

номидан иш кўрувчи ташкилот директори Б.Аббасов

(лавозими, Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га

Сариккўрғон бош иншоат экологик лойихасини тайёрлаш

(кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) етказиб бериш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Буюртмачи"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 15 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини " Буюртмачи "дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини " Буюртмачи "дан талаб қилиш.

2.4. "Бажарувчи" куйидагиларга мажбур:

" Буюртмачи "га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки " Буюртмачи " томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, " Буюртмачи "нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 15 кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ

БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 27000000 (йигирма етти миллион)

(сумма рақамлар ва ҳарфлар билан ёзилади)

сўмни ташкил этади.

Етказиб бериладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 15 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул ўтказиш йўли

(ҳисоб-китоб шакли кўрсатилади)

билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича " Буюртмачи " мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. " Буюртмачи "нинг розилиги билан "Хизматлар" муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. "Буюртмачи" томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган "Хизматлар" учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари Буюртмачика нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"ка белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"ка "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"ка кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади

"Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд туман қишлоқ хўжалиги бўлими иштирокида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома мазкур шартноманинг 8.4-бандига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга кириши ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири ва қишлоқ хўжалиги бўлими учун бир нусхадан уч нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) "Буюртмачи" жойлашган жой бўйича туман қишлоқ хўжалиги бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«БАЖАРУВЧИ»

«VODIY LOYIHA INVEST» МЧЖ

Наманган шаҳар, Н. Номонгоний, 18


х/р 20208000200803431001

«Туронбанк» Наманган ш.

МФО 00226

ИНН 305078943

Директор Б. Аббасов.



«БУЮРТМАЧИ»

«СУХ-ОКТЕПА ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШКАРМАСИ»

150700 Кукон шаҳар И. Бухорий куча 5-уй

Ҳисоб рақами 400121860304057042402170001

МФО 00014 ОКНХ 97600

ХККМ Марказий банк Тошкент шаҳри Молия

Вазирлиги Ҳазначилик бўлини маси

ИНН 204 717 522

Бошқарма бошлиғи И. Хошимов.

2022й. "20" Июльдаги 02/2022-сон шартномага илова

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш)

ЖАДВАЛИ

Кўрсатиладиган хизматлар (бажариладиган ишлар) номи	Ўлчов бирлиги	Кўрсатилаётган хизматлар (бажарилаётган ишлар) ҳажми	Кўрсатилаётган хизматлар (бажарилаётган ишлар) қиймати	Кўрсатилаётган хизматлар (бажарилаётган ишлар) умумий суммаси	шу жумладан ойлар бўйича																	
					1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12						
Сариккўрғон бош иншоат экологик лойиҳасини тайёрлаш	дона	1	27000000	27000000																		

Етказиб берувчи

Буюртмачи


(имзо, муҳр)

* "Хизматларнинг сифати ва миқдори шартнома намунаси манфаатдор таъшилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 йил, 20-сон, 200-модда.

Handwritten signatures and stamps at the bottom of the page.

“Тасдиқлайман”
Сўх-Оқтепа ИТБ бошлиғи
И.Хошимов
“19” Июль 2022 й



Сўх-Оқтепа ирригация тизими бошқармасининг йиғилиш

БАЁНИ

2022 йил “ 19 ” июль

№ 2

Қўқон шаҳар

Қатнашдилар:

Комиссия раиси -

И.Хошимов Сўх-Оқтепа ИТБ бошлиғи,

Комиссия аъзолари -

К.Камолов Сўх-Оқтепа ИТБ ўринбосари,

Ф.Назаров Сўх-Оқтепа ИТБ бўлим бошлиғи,

И.Якубов Сўх-Оқтепа ИТБ бош ҳисобчиси,

И.Назаров Хужалик мудури.

Сўх-Оқтепа ирригация тизими бошқармаси тасарруфидаги Учқўприк тумани Сарикқўрғон қишлоғида жойлашган Бош иншоат участкаси экологик лойихасини тайерлаш учун 2022 йил бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан (ШХР 400121860304057042402170001) ажратилаётган маблағларни мақсадли ва оқилона сарфланишини таъминлаш мақсадида танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 апрелдаги ЎРҚ- 684 сонли *“Давлат харидлари тўғрисидаги”* ги қонунига мувофиқ 6 июль 2022 йил куни энг яхши ўз таклифларни танлашга жойлаштирилган лот 22110012119358 рақамли Сўх-Оқтепа ИТБ тасарруфидаги Учқўприк тумани Сарикқўрғон қишлоғида жойлашган Бош иншоат участкаси экологик лойихасини тайерлаш товар хом ашё биржасининг махсус ахборот порталига 2022йил 06 июлдан 15 июль кунигача 5 иш кунига эълон жойлаштирилган.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш комиссия раиси И.Хошимов сўз олиб, комиссия аъзоларига Учқўприк тумани Сарикқўрғон қишлоғида жойлашган Бош иншоат участкаси ҳудудини экологик лойихасини тайерлаш зарурлигини айтиб ўтди ва лойиха ҳужатларни тайерлаш ишларини олиб бориш тўғрисида танлов эълон қилинди.

Ушбу эълон бўйича 15 июль 2022 йилгача 6 нафар қурилиш соҳасига ихтисослашган корхоналардан таклифлар келиб тушди Жумладан:

1." (O'ZINJINIRING) RESPUBLIKA LOYIHA INSTITUTI "

2."STANDARD ECO-GEO SERVICE" МЧЖ,

3. "DELUX TEXNIKA" МЧЖ,

4. "VODIY LOYIHA INVEST" МЧЖ,

5."GREEN PROJEKT" МЧЖ,

6. "ECO-HAN PROJEKT"ХК, лар томонидан таклифлар келиб тушган.


Таклифлар бўйича комиссия аъзолари ўрганиб чиқиб 2022 йил 16 июль куни баҳоланган ва 3 иш куни мобайнида муҳокамага қўйилган 2022 йил 19 июль кунигача 3 иш куни мобайнида эътирозлар келиб тушмади.

Сўх-Оқтепа ИТБ тасарруфидаги Учкўприк тумани Сарикқўрғон қишлоғида жойлашган Бош иншоат участкаси экологик лойихасини тайерлаш ишлари бўйича "VODIL LOYIHA INVEST" МЧЖ танлов ғолиб деб ҳисоблансин.

Сарикқўрғон қишлоғида жойлашган Бош иншоат участкаси экологик лойихасини тайерлаш ишлари бажариш учун тегишли ҳужжатларни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштириш вазифаси бошқарма бош хисобчиси И.Якубов зиммасига юклатилсин.

Мазкур йигилиш баёнини ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Аъзолар:



К.Камолов

Ф.Назаров

И.Якубов

И.Назаров